

Тазкия дарслари (157-дарс). Бидъатга қарши туриш ва унинг зарарлари



18:00 / 23.10.2021 4310

1. Қуръони Каримни атрофлича, яхши ва пухта ўрганиб, унга амал қилиш.
2. Суннати мутоҳхарани атрофлича, яхши ва пухта ўрганиб, унга амал қилиш.
3. Ижтиҳодга салоҳияти йўқ кишиларнинг гапини қабул қилмаслик.
4. Қандайдир гап ёки фикрга нисбатан таассубни тарк қилиш.
5. Авомларнинг диндан гап юритишини ман қилиш.
6. Аҳли сунна вал жамоа ақийдавий мазҳаби ҳамда мўътабар фикҳий мазҳабларга хилоф бўлган тоифа, фирқа ва гуруҳларни жиловлаш.

7. Мусулмонларнинг раҳбарлари бузуқ йўлдаги фирқаларнинг одамларига насиҳат қилиб, уларни тўғри йўлга бошлашлари зарур.

Бидъатнинг зарарлари:

1. Амалларнинг ҳабата бўлиши.
2. Шайтоннинг бидъатчига яқин бўлиши.
3. Ҳақ билан ботилнинг аралашиб кетиши.
4. Исломни яхши билмаганлар нафратининг қўзиши.

Албатта, маъсият билан бидъатнинг орасида фарқ бор. Осий маъсиятни, гуноҳ эканини билиб, хижолат бўлган ҳолда амалга оширади. Савобдан маҳрумлигини ва жазога гирифтор бўлишини ҳам билади.

Аммо бидъатчи ўзини ҳақ йўлда деб ҳисоблайди. Ўзгаларни унга эргашмаганликда айблайди. Бидъати учун савоб олишига қаттиқ ишонади.

Ҳар бир банда бошқа салбий нарсалар каби, бидъатдан ҳам узоқда бўлиши лозим.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди